

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 79 (65955)
1996 йил, 26 октябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда



— Ўз ҳаётимни мактабсиз, ўқувчиларимсиз тасаввур қила олмайман, — дейди Дўстлик туманидаги Хамид Олимжон номли 9-мактаб ўқитувчиси Мастура опа Эшонқулова. — Уларни хатто тушларимда ҳам кўриб чиқаман. Мактабни иккинчи уйим десам ҳам бўлаверади.

Мастура опани нафақат ўқувчилар, муаллимлар ҳам ўзларига устоз билишади. Ёш мураббий Ортиқой Суярова ҳам ўз фаолиятида панду-насихатлар, маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан кўмаклашаётган Масту-

ра онадан миннатдор. Опанинг болалар руҳиятини яхши тушуниши, ҳар бир бола қалбига йўл тона билиши, иш фаолиятида эришаётган муваффақиятлари — кўп йиллик меҳнатларининг самарасидир.

Суратда: Мастура опа Эшонқулова 2-«Ж» синф ўқувчиларига лотин алифбосидан машғулотлар ўтатилади.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.
Сирдарё вилояти.

Устозларимиз бизга ёзадилар

МЕНИНГ ЯНГИ УМИДЛАРИМ

Синфимдаги Элмурод ва Ориф Тошмуҳаммедовларни, Шокирова Дилфуза деган қизимни жудаям яхши кураман. Уларнинг янги нарсаларни узлангтиришга интилишларини, ҳеч тиниб-тинчимай савол бера-верипларини куриб, фахрланиб кетаман. Уларга нимадир ургата олаётганлигим, порлоқ келажакка замин яратаётганлигимдан гурурланаман ҳам. Узи синфда шунақа болаларинг булса яхши-да. Қолганларга урناق булади. Узининг устингда кунроқ ишлашга ундайди. Билмадим, агар улар каби ўқувчилар булмаганда бунчалик завқ билан дарс бера олармидим? Оллоҳга шукурки, Чилонзор ноҳиясидаги 128-мактабда ишлай бошлаганимдан бери доимо шунақа иқтидорли ўқувчиларим булган.

Бошланғич синфда 18 йилдан буён дарс бериб келётганлигимдан булса керак, билим учоғига энди кириб келётган кичкинтойлар билан ишлаш менга завқ бағишлайди. Мана, уч йилдан буён Зангиота ноҳиясидаги Ф. Пулатов номли мактабда ишлайман. Болалар бирам ёқимтойки, севиб қолмасдан иложинг йўқ. Айниқса, бу йилги биринчи синф ўқувчиларининг янги ўзбек алифбосини урганишга булган қизиқишлари менга умид бағишлайди. Келажакда улар халқимизга хизмат қиладиган ҳақиқий фарзандлар булиб етишишига ишончим ортган сари туйиб-туйиб бағримга босгим келаверади.

Осиё ФАЙЗИЕВА,
II тоифали ўқитувчи.



Суратда заҳматқаш-муаллима Осиё Файзиева сеvimли болалари билан.

Мақтаб ҳовлиси байрамона безатилган. Бугун бу ерда соҳибқирон Амир Темур туйига бағишланган «Фарзандини унутмас ўзбек диёри» деб номланган адабий кеча ва йигирмага яқин китоблар кўргазмаси ўтказилмоқда.

Тадбир бошловчилари Муножот Файзиева ва Ҳусан Юсуфовлар саҳнага кутарилиб, бобокалонимиз

Муножот. — Зуҳал ва Жиди сайёралари саккиз юз йилда бир марта учрашар экан. Шу вақтда туғилган гудак исмига «соҳибқирон» қушимчаси қушилиб аталар экан. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, буюк бобомиз ҳам ана шу юлдузлар учрашган вақтда дунёга келган экан. Бу мелодий 1336 йил 9 апрелига тўғри келади. Унинг тавал-

Алиев (Амир Бурҳон) ва Аъзам Абдураҳимов (Боязид)лар биргалашиб, «Соҳибқирон Темур» тарихий драмасидан Турк султонининг мағлубиятга учраш павҳасини ишонarli қилиб ижро этишди.

Соҳибқироннинг тарих олдидаги хизматлари бениҳоя каттадир. У мамлакатда кучайиб кетган тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз байроғи остида бирлаштирди. Марказлашган йирик давлатга асос солди. Бу билан деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Бир қатор халқлар ва элатларга мустамлакачилик зулми-


ФАРЗАНДИНИ УНУТМАС ЎЗБЕК ДИЁРИ

туйи муносабати билан мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларини табрикладилар. Бу Турон юрти, юз эллик йил зулм кўргани, бу эл босқинчилар қўлида қон ичгани, жаҳонга танилган буюк боболаримиз, шу жумладан Амир Темур номли ҳам фақат ёмон сўзлар билан тилга олингани эслатилади.

— Ривоят қилишларича, — деб гап бошлади

луд топган жойи уша вақтда Кеш, ҳозирги Шаҳрисабзга қарашли Хужайлғор қишлоғи эди...

Соҳибқирон (ўқувчи — Отабек Қобилжонов) саҳнага чиқиб, «тахт»га ўтирди ва салобат билан: «Биз ким мулки Турон, Амири Туркистон. Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуги Туркнинг бош бўғинимиз» монологини айтиб берди. Отабек, Алишер



дан озод бўлишда ёрдам берди. Боязид Елдириمنى енгиб, Усмонли туркларининг истибдодига тушиб қолган Болқон ярим оролига ҳуррият бағишлаган бўлса, Олтин Урда хони Тўхтамишни икки марта тормор келтириб, Россиянинг мўғуллар ҳукмронлигидан қутилишини қарийб 300 йилга тезлаштирди. Нафақат Туркистонни, балки қушиб олинган ерларни ҳам обод қилди.

Муножот билан Ҳусанлар мана шулар ҳақида тўлқинланиб гапириб беришгач Нигора Турдиева, Гулнара Усмонова, Ирода Дадабоева, Дилшод Фозилов, Камолдин Нуридинов, Зулхумор Йўлдошева, Дурдона Алимуҳамедовлар

Амир Темур уғитларидан парчалар уқиб беришди. Шунингдек, Аъзам Абдураҳимов, Алишер Алиев «Темур тузуклари» ҳақида фикр юритдилар. Мумин Ишмуҳамедов билан Шаҳноза Усмоновалар келажак авлодларга аталган васиятни таъсирли қилиб, гапириб беришди.

Мақтабимиз 10-синф ўқувчилари тайёрлаган бу адабий кечага синф раҳбари Мабруфа Файзиева бошчилиқ қилди. Кеча охирида кекса устоз Жўра ака Шоюсулов тадбир қатнашчиларига миннатдорчилик билдирди.

Абдугани
ТЎХТАМУРОДОВ,
Тошкентдаги 236-мактаб директори.



КҮНФИРОҚДАН СҮНГ...

Қизларжон! Яхши кийинишни жуда яхши кўрасиз. Айниқса, замон, давр нафасига ҳамоҳанг кийимларни ким орзу қилмайди, дейсиз?

Кийиниш маданияти, унинг ўзига хос мукамаллиги ва уларнинг ҳозирги урф бўлган либослар ёшга мутаносиблиги ҳақидаги қизиқишларингизни инobatта олиб, ёш чевар Бинафша билан суҳбатлашдик.

1977 йилда Тошкентда тутилган, ёшлигиданоқ тикувчиликка қизиқиб, унинг сирасорларини ўрганишга ҳаркат қилган Бинафша ҳозир Беньков номидаги Республика рассомлар билим юртининг либослар мусаввирлиги бўлими талабаси.

— Бинафша, эшитишимча, бирор иш бошласанг, уни тугатмагунча тинчимас экансан. Онангнинг айтишларича, тонгача тикиб, ҳатто баъзида тикиш машинаси ёнида ухлаб ҳам қолар экансан?

Бинафша кулди ва кичиклигида роса қуп қугирчоқлари булганини, уларга куйлақчалар, қалпоқчалар тикиб улгайганини айтди. Мактаб формаларини ҳам узим тикардим, — деди у яна. — Кучақуйда узига ярашган кийим кийган қизлар ҳаминша эътиборимни узига жалб қиларди. Улар либосидан ҳаёлан андоза чизиб қолиб, худди шунақа куйлақ тикишга уринардим.

— Шунинг учун либослар бўйича мусаввир бўлмоқчи экансан-да?

— Яхши тикилган кийим одамга завқ бағишлайди. Чиройли либосни эса дидли одамгина ҳозирлай олади. Танлашда ҳам мода кетидан қувганлар эмас, узига ярашганини дид билан топа олганлар

ютади. Уларнинг кийимидан латофат уфуриб туради.

Менинг кузатишимча, ҳозир ёшларимизни классик ва авангард услубининг бирлигида тикилган бежирим кийимлар қизиқтиради. Уларда Европанинг маданияти, миллийлигимизнинг нафислиги, гузаллигини ҳис қилиш мумкин.

Баъзан уйлаб қолсан, узимизнинг бутун дунё ҳавас қилса арзийдиган классик кийимларимиздан нега фойдаланмаймиз? Яқинда бизга Финляндиядан талаба қизлар келишиб,

узбекча либосларнинг тикилишини, унга мос мато танлашнинг зур қизиқиш билан ўрганишди.

Чиндан ҳам «Олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ экан», Европача молада кийиниш ўз йўлига, аммо узимизнинг бухороча каштали куйлақларимизни қайта тиклаш пайти келди назаримда. Ахир миллий кийим ҳам бизнинг катта бойлигимизку.

— Ҳозир қадимий ва янги моладаги куйлақлар ошиқчалиги асосида узбекча, қизларга ниҳоятда ярашадиган куйлақлар тикаяпман. Дардан буш пайтларида дугоналарим Лола Набиева, Наташа Хмилева, Нигора Абдурахимовалар билан маслаҳатлашиб, янги, бежирим куйлақлар нусхасини топишга ҳаракат қиламан.

— Гавдани чиройли қилиб кўрсатиш, либоснинг тикилишига боғлиқ, дейишади. Сен бунга қандай қарайсан?

— Тугри, буни қизларимиз

МАЪНАВИЯТ - ИЙМОНИМИЗ, ВИЖДОНИМИЗ.—

деб сўз бошлаган Насиба Фуломова Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасида хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мудирини бўлиб ишлайдилар.

— Мен асли маорифчиман, шунинг учун ҳам болаларимизнинг маънавиятини бойитиш кераклигини кўп ўйлайман. Оилада, боғчада, мактабда - поғона-поғона иш олиб бориш яхши натижа беради.

Агар боғчада ёки оилада бунга кечиксак, мактабда оқсаймиз, мактабда улгурмасак, янада қийинроқ бўлади. Қизларимизга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида эътибор керак. Айтайлик, мактаб формасининг нимаси ёмон? Ёки бир партада ўтирган қизлардан бири чодирга ўраниб ўтириши чиройлимикин? Иболи, мулоҳазали, андишали қизларимиз кулоқларидаги тилла зиракни кўз-кўз қилмайдилар. Улар аввало тиллонинг қадрини етиш учун «зеби-зийнат не керак, отим ўзи Зебинисо», деб ёзган Зебинисони ўқишга киришадилар.

Биз, «ўқитувчилар ҳам овқатланармикан?» деб ўйлардик, — дейдилар яна Насиба опа бу мавзудан чекиниб.

Хурмати, иззатини жойига қўйиб одобидан сабоқ олардик. Нурия Азимова, Махсума Минавархўжаева, Обиджон Минавархўжаев каби устозларимизни ҳаминша ҳурмат билан тилга оламан. Зеро, уларнинг сабоқлари ҳаётимда катта роль ўйнади.

Гап келганда отангнинг ҳам аяма, деган нақл бор. Аввало, ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчиларимизнинг ўзлари маънавиятли

бўлсинлар. Баъзи эркак муаллимларимиз мактабнинг ўзида сигарета тутатиб турганларида, уларнинг ҳар бир ҳаракатларини кузатувчи ўткир нигоҳли ўқувчилар борлигини унутмасинлар.

Хотин-қизлар кўмитасида ишлайганига бир йил булган маорифчидан, кўмитангиз болали оилаларга, аёлларга қандай ёрдам бераяпти, — деб сурадик.

— Барча вилоят ва туманларда ҳоким муовинлари лавозими аёлларга берилди. Ва, хотин-қизлар кўмитаси жорий этилди. Кўмита уч йўналишда ишлайди. Аёлларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом авлодни тарбиялаш, кам таъминланган ва ногирон оилаларга ёрдам бериш. Ҳар чоракда вилоятларимиз жойларда нималар қилаяпти, шу ҳақда бизга ҳисобот бериб туришади. Шу асосда бунидан кейинги ишларига йўлланмалар оладилар. Ўнта устоз насихатидан битта яхши ота-она маслаҳати кучли дейишади. Яқинда «Маънавият — истиқболнинг ойдин йўли» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини ўрибосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова, Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудирини Ойниса Мусулмонова, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиёва, Маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг раиси Н. Ами-

нов, «Камолот» жамғармаси раиси Хотам Абдураимов кабилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат хотин-қизларимизнинг маънавиятини шакллантиришга қаратилди.

«Тонг юлдузи» болаларнинг маънавиятини, маданиятини бойитишга хизмат қилаётган экан, дунё хабарлари-ю, тенгдошлари ҳаётдан огоҳ бўлиб яшаётган болажонларимизга гапир туриб, ота-оналару устозларимизга ҳам тилакларимни билдиргим келди. Биз ўқиган даврда хоҳласак, хоҳламасак бу газетга обуна бўлардик. Энди обуна мажбурий эмас, деб қараб турмайлик. Газетахонликнинг алифбоси — «Тонг юлдузи» ҳар бир онанинг яқин кўмакчиси бўлиши керак. Газета ўқин билан машгул фарзанд ёмонликка юрмайди, ёмонлар билан турмайди. Мен мамлакатимиз хотин-қизларига болангизни «Тонг юлдузи» шуъласидан баҳраманд этинг, деб даъват этаман. Ва, албатта замонамиз аёлларидан талаб ҳам қиламан. Бир-икки куйлақ ёки зеби-зийнатдан воз кечинг. Аммо, болангизни газетхон қилинг. Газета — маънавият ўчоғи, газета — маънавият чироғи!

Насиба ФУЛОМОВА
билан суҳбатдош
Феруза ОДИЛОВА.

Нафис мажлислар

чуқур ҳис қилиб, уз гавдаларига мос куйлақлар танлашлари лозим. Агар сал тулароқ гавда булса, майда гулли матолардан, оз-

куйлақлар яратиш ниятим бор.

— Кийим ўз йўлида, ортиқча зеб-зийнатларга қандай қарайсан?

лар ҳам учта-туртгалаб занжирларни буйинларига тақиб юришади.

Қадимда бувиларимиз зеб-зийнатларни фақат тую байрамларда тақинган. Аслида тақинчоқларни кийган кийимингизга мос равишда тақсангизгина чиройингизга чирой қушади.

Кийим одамни эмас, одам кийимни безасин, деган нақл бор.

Инсоннинг қалби гузал булса, чеҳраси ҳам, либоси ҳам гузал бўлиб кўринаверади. Албатта, бу инсоннинг маънавияти билан боғлиқ туйғу. Аммо бу дегани ҳар қандай бесунақай кийим ҳам одам яхши булса ярашаверади, дегани эмас. Барибир кийинишда алоҳида нозик маданият керак.

— Агар сир бўлмаса, мен билан суҳбатлашиб туриб, нима ҳақда ўйлаясан?

— Орзуга айб йўқ, дейдилар-ку, ахир. Ҳозир мен орзу қилаяпман. Қанийди, мен яратган куйлақларни кийган ҳар бир инсоннинг юраги завққа, миннатдорчиликка тулса. Кейин бир-бирларига мақтаниб, «Бу — Бинафшанинг куйлағи» дейишса!

Бинафшани орзуси ушалсин, дегин, азиз болалар! Унинг янги либослари қизларимизнинг янгиланаётган оламни бойитсин.

Халима АХМЕДОВА
суҳбатлашди.

БИНАФШАНИНГ КҮЙЛАГИ

гинроқ булса, аксинча, катта гулли матолардан фойдаланишлари керак. Шунингдек, унинг тикилишига ҳам катта эътибор билан қарамоқ лозим. Агар дидли тикувчи булса, ҳар қандай матодан ниҳоятда бежирим куйлақ тика олади.

— Келажак орзуларинг ҳақида гапириб берсанг.

— Насиб булса, 1997 йилнинг ёзи таътилида Финляндияга бориб, финларнинг миллий кийимларини тикиш сабоқларини ўрганиб, узимизнинг узбекча куйлақлар билан қиёсламоқчиман. Биласизми, барча одамларнинг бир-бирини такрорламайдиган гузал кийимлар кийиб юришларини хоҳлайман. Ҳозиргача унга яқин куйлақлар андозасини яратдим. Яратган куйлақларимдан халқимиз фойдаланса, ниҳоятда хурсанд булардим. Ҳали анча





— Нақ икки кеча-ю-кундуз улуг соҳибқирон ҳақида гаплаш-шимиз-а, дейди завқланиб, ҳайратланиб Ҳамид ака Қахрамонов.

Улуг соҳибқиронни биласиз, Абдулла Ориповни айтмасак ҳам булар, ҳамма танийди.

Хуш, Ҳамид ака ким?

Унлаб режиссёр, киноактёр-у, юзлаб сахна артисти, кушиқчиларни, қизиқчи ва суҳандонларни оламга танитган Ҳамид Қахрамоновни, тугма режиссёр, нақ қирқ йилдирки, ойнаи жаҳонимизда жон куйдириб ишләётган Ҳамид Қахрамоновни танитай бўладими?

Жаҳон классик адабиети дурдоналари: Гётеннинг «Фауст», Байроннинг «Манфред», В. Гюгонинг «Қиролнинг дилхуши», Проспер Мерименнинг «Осмон ва дузах», Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Қизганчиқ рицар», «Мис чавадоз»лари, Лермонтовнинг «Демон»ини сахналаштирган, видеокурсатувлар қилиб ҳаммага манзур қилган Ҳамид Қахрамоновни ҳамма биларов?

Жаҳонда биринчи марта Ўзбекистон телевидениесига намойиш этилган «Скапен найрағлари»ни куриб (2 йил аввал) қойил қолган Француз подшоҳи Ф. Миттеран Ҳамид ака билан шахсан танишиб, шаънига илиқ сузлар айтди. Демак, Ҳамид акани французлар ҳам билади. Хуш, А. Орипов билан нақ 48 соатлаб гаплашяётган, ҳатто французларни қойил қолдирган, 40 йилдирки, ҳали-ҳануз видеофильмлар яратишдан толмаётган Х. Қахрамоновнинг болалиги қандай утган? Шу ва шу каби саволлар бизни Ҳамид Қахрамонов хузурига етказди.

— Энг кичик болалигингиздан нимани, кимни эслайсиз? Гўдак шуурингизда нималар «қотиб қолган?»

— Дадамни, дадамнинг урушга кетишини эслайман. Дадам муаллим эди. Мени буйнига миндириб мактабга олиб борарди. Онам ҳам ишларди-да у пайт. Мен — уч яшар Ҳамид — бошқаларга кушилиб, о расми, о харфини чизиб утираварар эдим.

— Сизни ҳеч алданганми?

— Алданганда қандок? Дадам урушга кетиш олдида мени алдаб кетди: «Углим, сенга Қуқондан тойчоқ олиб келиб бераман». Бу — 1941 йил эди. 1943 йил қора хат олдиқ. Ушанда онамнинг айтишича, мен 1 ой тойчоқ кутиб йиллаган эканман.

— Онангиз қаерда ишларди?

— Мактабда ошпаз бўлиб ишларди. У 1956 йили вафот этди. Мен — етимча, етти кулча бўлиб қолдим...

— Суҳбатимиз тобора гуссадор бўлиб борапти. Келинг, яхшиси,

болалиқдаги меҳр ва қаҳр ҳақида гаплаша қолайлик.

— Гўдаклиқдаги деяверинг. Жуда яхши эслаймаг. Бир туп, бир кур ялангтуш, елкадор йигитлар узангиларга оёқларини тираб, узангини депсаб, асов отларда қато-ор кетишган. Менинг уч ёшларимдан кескин ва қаҳрли хотира бўлиб қолган. Яна гўдак булганманда билмаганман: дадамнинг тойчоқ олиб келмаганларига аллақанча пайт, турисини айтсам, то эс таниб, улгайгунимча қаҳрланиб юрганман. Улгайиб, дадам бечоранинг менгина гўдакни нечук ва нега алдаганини тушуниб етгач, раҳматли дадамга менда поёнсиз меҳр пайдо бўлди.

— Мана бугун сиз профессионал режиссёр, ҳатто артистсиз. Ибти-

доий, илк сахналаштирган спектаклингиз?

— Ибтидоий илк спектакл... 9-синфдалигимда А. Фадсевнинг «Еш гвардия» спектаклини узим куйиб, Олег Кошевой ролини узим уйнаганман. Узим — режиссёр, узим — рассом, узим — гримчи, узим қахрамон — Олег Кошевой эдим.

— Шунинг учун эканда «Еш гвардия»га қайта-қайта мурожаат қилганингиз?

— Ҳа-а, ахир мен Олег Кошевойни жуда севардим-да, «Еш гвардия»ни жинчиси эдим. Қизиқки, улгайиб, театр ва рассомчилик институтига кираётганимда ҳам «Еш гвардия»дан эподлар беришган. Янаям қизиги, улар ҳам мени Олег Кошевой ролига мулжаллашган.

— Саҳнадаги сохталик ва ҳақиқийлик ҳақида...

— «Еш гвардия»ни мактабда куйганимда жуда қизиқ булган. Эсингизда бўлса, спектаклда Клава Ковалева деган қиз хабар келтирди: Ваня Земнухов, Любовь Шевцоваларни қамоққа олишди, дейди. У йиглаб кириб келиши керак эди. У эса пиқир-пиқир куларди.

Бир куни барзанги йигитдан илтимос қилдим: уни юзига урасан, олдимга йиглаб кирсин. Ушандаек санъатдан ҳақиқийлик талаб қилганман. Барзанги уни шунақаям урдик, юзида беш панжа изи қолган. У оёғини кучиб, йи-

лаб хабар берди. Спектакл шунақаям зур чиқдики...

Ҳамид ака ҳақида бир оғиз

Еш Ҳамид болалигида санъатдаги сохталикни ёмон курарди. Ҳамон ёмон курарди. Шу-шу Ҳамид Қахрамонов қаттиққул, талабчан режиссёр бўлиб қолди. Бир пайтлар куй терисдан, эчки соқолидан узи парик ясаб, қорақуядан гримда фойдаланган у кунги ёш Ҳамиднинг бу кун спектакл икир-чикиригача назаридан утади.

Йиллар утиб у «Еш гвардия»ни 3 серияли видеофильм қилди. Серезжа Тюленинни — суҳандон Раҳматилла Мирзев уйнади. Ҳамид

ака аскиянинг ҳам ишқивози. Узиям салкам аскиявоз. Аскиянинг авжида овозини пасайтириб, ҳеч кимга айтманг, деб шивирлаб айтгани шуки: «Обидиям, Мирзо Холметовни ҳам, Ҳожибой Тожибоевни ҳам узим яраттим...» «Узим одам қилганман. Анаву суҳандониям».

— Йўг-е?

— Ис, буниям узим одам қилман, шекилли... Шунақа, Ҳамид ака салкам аскиявоз. Узининг айтишича: «Японқизи, раққосаси Элика Накамураи ҳам уч йил уйида яшатиб, тил ургатиб, ўзбекча қилган. Яна айтишича, узи «Қуқоннинг Жилва (қишлоғида) тугилган. Жилва (табассум) қилишни яхши курди».

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Ҳамид ака бундан 25 йил илпа-



Темурни урганди. Амир Темурдан урганди. Шунни билибми шоир А. Орипов бир куни Соҳибқирон образини яратишни маслаҳатлашиш ниятида Ҳамид акани уйига, суҳбатига таклиф қилади. Суҳбат нақ 48 соат Соҳибқироннинг гўдаклиги, болалиги, усмирлиги, диндорлиги, олимлиги, ниҳоят, жаҳонгирлиги, буюклиги ҳақида

новелла қилиб, Орлов ролини узим уйнаяман.

— Саҳналаштиришда нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

— Даврга мослаштиришга. Дейлик, Амир Темурни курувчи сифатида даврга мослаб бериш.

— Мабодо режиссёр бўлмаганингизда ким бўлардингиз?

— Барибир режиссёр булардим. Мабодо режиссёр булмасам, режиссёр булмасамми...

«Бола бондан»,

деган гап туғри, Мабодо режиссёр булмасам Булар эдим артистнинг зури...» Ростдан маза қилиб роллар уйнардим.

— Болаларга тилақларингиз?

— Мен санъатта қадамни болаликдан бошладим. Сиз ҳам ишқивозлик қилинг болалар. Узингиз болаликдан танлаган йул уз бахтингиздир.

СЎНГИ СЎЗ

Ҳамид ака 40 йилдирки спектакллар сахналаштиради. 40 йилдирки жаҳон адабиети дурдоналарини халққа манзур қилади. 40 ни бекорга айтмаймиз.

Ҳамид ака мамлакатимиз ойнаи жаҳони билан баб-баравар иш бошлаган. Ҳа, ойнаи жаҳонимиз ноябрь ойида 40 йиллик туйини, Ҳамид Қахрамонов 40 йиллик хизматини нишонлайди.

Шу уринда дарахт бир ерда куқарар, деганидек, «ойнаи жаҳонда 40 йил куқарган», қалби доим ям-яшил Ҳамид Қахрамоновни, пайтдан фойдаланиб, ойнаи жаҳонимизнинг бошқа асосчилари, юлдузларини ҳам «Тонг юлдузи» номидан табриқлаймиз. Ахир, кунгил кунгилдан сув ичар, юлдуз юлдуздан нур ичар, дейишади.

Ҳамид акани қариб куйилмаган деелмаймиз, куйилиб қаримайди десак булар. 58 га кирганига ҳеч ким ишонмайди. Лекин у киши узига қаттиқ ишонади. Бошлаган иши ҳақлигачам. «Жаловиддин Мангуберди»ни сахналаштириш учун 25 йил курашди. Охири видеофильм қилди. Видеофильм қилинганда ҳам қандай?

Бир ишни бошладими ташламайди. Амир Темур ҳақида нақ 25 йил олдин иш бошлаганди. Ҳануз иш устида. «Соҳибқирон»ни сахналаштириб юрибди. **Суҳбатдош ҲУРОЛ ҲУЗБЕК.**

Суратларда:

1. 1953 йил. 15 ёшли скрипкачи Ҳамидни танишмасми?

2. Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Умаров — улуг Соҳибқирон Амир Темур ролига энг мос инсон экан.

3. Мен санъатта болаликдан қизиқдим. Сиз ҳам ишқивоз бўлинг, болалар!



риқ, Амир Темур ҳақида спектакл куйган экан. Бибиҳоним ва Амир Темур ишқи ҳақида. (Немировский эсдаликлари асосида). Ушанда Амир Темурни — Жавлон Ҳамроев, Бибиҳонимни — Ойдин Норбоева уйнаган. Улуг Соҳибқирон Ҳиндистон сафаридан пайти суюкли хотини Бибиҳонимни уста суйиб қолади. Бибиҳоним вафодорлик ва донолик курсатади. Рад жавоби беради. Орзуси амалга ошмаган уста қанот ясаб учиб кетади. Ҳамид ака йиллар давомида Амир Темур образига жуда кўп мурожаат этди. Узок йиллар Амир

кистон халқ артисти Зағжирали Мирзатов шахсан узи кучоқлаб, узи табриқлаб, ажойиб гори ва барабан тақдим этган. Ростдан яхши уйнаганман шекилли, курик голби булганман.

Кейин йиллар давомида ку-уп роллар уйнадим. Лекин негадир уша кавалеристдан бошқа ролларим яхши чиқмаётгандек назаримда. Шундай бўлса ҳам яна узим сахналаштирган А. П. Чеховнинг «Қора монах»идаги бош қахрамон Ковринни узим уйнаганман. Яна шу Чеховнинг «Кечиккан севги»сини узим таржима, узим теле-



булади, — деди. Бу насиҳат отанинг болага қандай уғит бериши кераклигини курсатади.

ИЗОҲ ВА ЎГИТ

Инсоннинг қадри узи қилган яхши ишларидан келиб чиқади. Агар ишлари амаллари, хатти-ҳаракати яхши бўлса, узи ҳам яхши булади. Қадри ҳам шунга яраша

ОТА НАСИҲАТИ

булади. Отаси яхши бўлса ҳам, узи ёмон (булган) одамнинг ҳеч қадри булмайди. Дустлари яхши одамга яхшилик ёр булади. Чунки яхшилар билан дустлик, қадрдонлик инсонни яхши йулга бошлайди. Ушбу ҳикояда бизларга ана шу ибрат дарси берилган.

Араб ҳакимларидан бир зот углига шундай деди:


— Болажоним, қиёмат кунда сендан нималарга эришдинг, кимга мансубсан, кимнинг уғлисан, деб сурайдилар. Ва насиҳатини давом эттириб: — Каъбанинг ҳижоби (ёпинғичини) халқ ушганини кургансан. Одамлар унга меҳр ва ҳурмат курсатадилар. Унинг машҳур булиши ипақдан тикилгани учун эмас у ёпинчиқ Каъба устига ташлангани учун. Шу сабабли у ҳам Каъба каби азиз ва шарафли

БИР ФИКРЛАНТ!

Азиз болажон! Сиздан бир нарсани сурамоқчийдим, майлими? Унда айтингчи, ҳеч бирон марта, осмонга қараб уйга толганингизда, булутларнинг ҳолатини кузатганмисиз? У гоҳ аждаҳога, гоҳ қанотли левга, гоҳ учқур отга ухшаб куриганми? Ҳаёлан уларни бир-бирига солиштирганмисиз?

Бу саволларимга қандай жавоб бердингиз, билмадим, аммо агар «ҳа» деган бўлсангиз, хурсанд булаверинг. Демак, сизда ён-атрофни кузатиш иқтидори бор. Сизнинг фикрлаш оламингиз кундан-кун усиб, бойиб бораверади. Бунинг учун эса узингиздан озгина диққат талаб қилинади, холос. Мени айтди дерсиз, бироқ теварагингиздаги ҳар бир нарсага синчковлик билан қарашни ургансангиз, ҳатто левордаги оддий чизиқлар ҳам куз олинганда уз сирларини очаверади. Шунда сиз гузалликнинг янги-янги намуналарига дуч келаверасиз.

Мана бу суратга разм солинг. Бир қарапда у оддий ёғоч, қуриган бир дарахтнинг парчаси. Лекин жиддийроқ эътибор беринг-а, у сизга



нималарнидир эслатмаётими? Қушларники каби иккита оёқ. Афсуски, юқорига кутарилиб, бу фикрингиздан қайтасиз — сираям қуш эмас бу. Вой, буни қаранг, манови илоннинг бошику. Атрофга ола-ярак боқишиничи? Ундай десак думи ҳеч ухшамаяпти. Бу томонидаям кузлар борми-ей. Балки бу доимо узини

голиб санайдиган Евузлик ва бироз бугилиб турган, аммо асло мағлуб булмайдиган Адолатнинг рамзидир. Уларнинг иккаласи ҳам битта дуненинг устида бир оёқларга таяниб турибдида.

Болажон, курдингизми, хаёллар кетидан хаёллар судраб кетаверади. Қаерга бориб тухтаб қолиш бўлса, сиздаги қобилиятга боғлиқ. Мен эса, ҳар қалай, узимнинг кура олганларимдан сизга сузладим. Балки сиз бутунлай бошқа нарсаларни кургандирсиз бу ерда? Унда ҳеч тортинманг, ҳаммасини бизга эзиб юборинг.

Ростгўй бола.



**Абдулхай НОСИРОВ
КИМНИНГ
РАСМИ
ЧИРОЙЛИ**

Қани, келинг, курайлик,
Кимнинг расми чиройли?
Мана қушлар учгудай,
Булутларни кучгудай,
Осмон булиб парвози,
Тинчлик рамзи-овози.
Алвон-алвон гуллар бу,
Ҳаёт каби қулар у!
Ловулайди гулхандай,
Сайхон асфальт

гулшандай.

Бу суратда тонг маҳал,
Уфқларга суртиб ҳал,
Порлаб чиқар қуёшжон,
Куррамизга сочиб шон.
Қани, айтинг, билайлик,
Кимнинг расми чиройли?

МЕН ОФТОБНИНГ ҚИЗИМАН


Мен офтобнинг қизиман,
Чарақлаган қизиман.
Бирга боғларга чиқсак,
Нур ёгилар юзимдан.

Мен офтобнинг қизиман,
Чарақлаган қизиман.
Капалаклар қувалаб,
Учиб борар изимдан.

Мен офтобнинг қизиман,
Чарақлаган қизиман,
Гуллар терсам ойимга,
Гуллар упар юзимдан.

КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛДИ УКАМ

Укамни ҳафа қилдим...
Қачон мен тавба қилдим?
Қачон эсим киради,
Қачон қизим куради,
Эшитади қулогим,
Қанча менинг уртоғим?
Жуда усал булдим-ку:
Укам касал булди-ку,
Урушганим учунми?
Курашганим учунми?
Боққа чиқиб майсада,
Бунча булмай қайсар-да
Ноким берсам булмасми?
Укам десам булмасми?
Қаламларим куп эди,
Нега бермай йуқ дедим.
Берсам... берсам буларди,
Укам хурсанд буларди,
Касал булмас эдими,
Усал булмас эдимми?



Тугри, куп ҳафа қилдим,
Энди мен тавба қилдим,
Укам дейман, укажон.
Нима ейсан, укажон.
Кучаларга чиқамиз,
Боғчаларга чиқамиз.
Музқаймоқлар оберай,
Шар, чақмоқлар оберай,
Газли сувлар ичамиз.
Байрам булар кучамиз.
Тузалиб кел тез фақат,
Урушмасдан биз фақат
Яхши уйнаймиз энди.



Катта уйимиз энди
Тус-туполон булмайди,
Зериқмас аканг, майли...
Урушсам бор-ку Раҳим,
Урушқоқ, зур, бераҳм,
Самбони ҳам билади,
Тангони ҳам билади.
Боксёрми дейман узи,
Мушглари бор нақд

гурзи...
Урушмайман, йуқ, булди,
Урушқоқлар йуқ булди.
Яна қурқади дема,
Зурман-ку гамим ема.
Акаси бор унинг ҳам,
Ётиб қолса уришсам,
Ачинса, йиглаб елса...

Қани тез укам келса.
Абдулхай Носиров.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0578. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Мавлима: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25

